

<b>Мавзу</b>	<b>Кесувчи асбобнинг геометрияси. Детал ишлаб чиқариш учун сарфланадиган вақт.</b>
--------------	--

### 1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

<i>Машигулот вақти - 2 соат</i>	Талабалар сони: 30 – 60 гача
<i>Машигулот шакли</i>	Маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Кескич иш қисмининг баландлиги ва узунлиги</li> <li>2. Кескич геометриясини ўлчашда координат текисликлари</li> <li>3. Кескичнинг асосий бурчаклари ва вазифалари.</li> <li>4. Материалларни кесиб ишлаш учун сарфланадиган вақт</li> </ol>
<b>Ўқув машигулотининг мақсади:</b> Талабаларга кесувчи асбобнинг геометрияси ҳамда детал ишлаб чиқариш учун сарфланадиган вақт тўғрисида тушунча бериш.	
<p><b>Педагогик вазифалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Кескич иш қисмининг баландлиги ва узунлиги тўғрисида умумий маълумот бериш.</li> <li>• Кескич геометриясини ўлчашда координат текисликлари ҳақида маълумот бериш.</li> <li>• Кескичнинг асосий бурчаклари ва вазифалари ҳақида тушунча бериш</li> <li>• Материалларни кесиб ишлаш учун сарфланадиган вақт ҳақида маълумот бериш</li> </ul>	<p><b>Ўқув фаолияти натижалари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Талабалар кескич иш қисмининг баландлиги ва узунлиги тўғрисида умумий маълумотлар оладилар.</li> <li>• Кескич геометриясини ўлчашда координат текисликлари ҳақида маълумотга эга бўладилар.</li> <li>• Кескичнинг асосий бурчаклари ва вазифалари ҳақида тушунча оладилар.</li> <li>• Материалларни кесиб ишлаш учун сарфланадиган вақт ҳақида маълумот эга бўладилар.</li> </ul>
<i>Таълим бериш усуллари</i>	Кўргазмали маъруза, суҳбат, “Фикрлар хужуми” технологияси
<i>Таълим бериш шакллари</i>	Оммавий, жамоавий
<i>Таълим бериш воситалари</i>	Ўқув қўлланма, проектор
<i>Таълим бериш шароити</i>	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: савол-жавоб

## 1.2. «Кесувчи асбобнинг геометрияси. Детал ишлаб чиқариш учун сарфланадиган вақт.» маъруза машғулотининг технологик харитаси

<i>Иш босқичлари ва вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Таълим берувчи</i>	<i>Таълим олувчилар</i>
Тайёргарлик босқичи.	1. Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш. 2. Кириш маърузаси учун тақдимот слайдаларини тайёрлаш. 3. Мавзунини ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини ишлаб чиқиш.	
1. Мавзуга кириш <b>(10 дақиқа)</b>	1.1. Машғулот мавзуси ва режаси билан таништиради. (1-илова)  1.2. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради (2-илова)	<b>Тинглайдилар. ёзадилар</b>  <b>Тинглайдилар. ёзадилар</b>
2-босқич Асосий босқич <b>(60 дақиқа)</b>	2.1. Кескич иш қисмининг баландлиги ва узунлиги ҳақида тушунчаларни Power Point дастури ёрдамида слайдларни намоиш қилиш орқали тушунтириб беради (3-илова)	<b>Тинглайдилар, ёзадилар.</b>
	2.2. Кескич геометриясини ўлчашда координат текисликлари ҳақида маълумот беради. (4-илова)	<b>Тинглайдилар, ёзадилар.</b>
	2.3. Кескичнинг асосий бурчаклари ва вазифалари ҳақида тушунчаларни беради (5-илова)	<b>Тинглайдилар, ёзадилар.</b>
	2.4. Материалларни кесиб ишлаш учун сарфланадиган вақт тўғрисидаги тушунчаларни тушунтириб беради (6-илова)	<b>Тинглайдилар, ёзадилар.</b>
	2.5. “Фикрлар ҳужуми” методи орқали талабаларни фаоллаштиради. Берилган саволга ўйлаб жавоб беришни таклиф қилади (жавоблар 1-2 сўздан иборат бўлиши кераклигини эслатади) Бир талабага жавобларни доскада ёзиб боришни таклиф қилади. Бунинг учун 10 минутча вақт ажратилади. Белгиланган вақт тугагандан сўнг, фикр билдиришлар тўхтатилади ва жавоблар таҳлил қилинади. (7-илова)	<b>Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.</b>
3. Яқуний босқич <b>(10 дақиқа)</b>	3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, яқунловчи хулоса қилади. 3.2. Мустақил таълим учун “Қиринди ҳосил бўлиш жараёни” мавзусини тақдим этади ва мазкур ўқув материалини ўрганиб келиш вазифасини беради.	<b>Саволлар берадилар. Вазифани ёзиб оладилар.</b>